

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитасининг
2024-йил “ 24 ” - декабрдаги
120-Ч/2 -сон буйруғига
1-илова

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёсат Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати (*кейинги ўринларда – Кўмита*), республика тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари (*кейинги ўринларда – Тизим ташкилотлари*)да ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш, ходимларнинг фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасиз муносабатда бўлиши ва уларни содир этилишига йўл қўймасликни қўллаб-қувватлашини ифодалайди.

2. Мазкур Сиёсат ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Кўмита ва тизим ташкилотлари мазкур Сиёсатга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш механизмларини мавжуд бўлган коррупция хавфи, тажрибаси ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт.

4. Кўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Кўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга тўлиқ барҳам берилишига эришиш;

аҳоли ва ходимларнинг соҳада ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Кўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, унинг оқибати, сабаб ва омилларини бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

5. Мазкур Сиёсат Кўмитанинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун Кўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш

ва уларга бархам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

6. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар Қўмита билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан, Тизим ташкилотлари ходимларига ҳам тадбиқ этилади.

Қўмита ва тизим ташкилотларига ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс мазкур Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

7. Мазкур Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунча ва атамалар қўлланилади:

иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари – Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари манфаатларида фаолият давомида ҳамкорлик ўрнатиш ва (ёки) қўллаб-қувватлашга алоқадор харажатлар, шу жумладан, ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқат, транспорт ва яшаш харажатларини қоплаш билан боғлиқ харажатлар ва х.к.;

алоқадор шахслар – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди, шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупциявий хавф-хатар – Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ёхуд учинчи шахслар томонидан Қўмита ва тизим ташкилотлари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида виждонан хабар бериш – Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга суиқасд қилинганлиги) тўғрисида русхат этилган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда йўллаган муурожаат;

коррупцияга қарши курашиш тизими – қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки

билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар оркали порани яъни пул, кимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулклар, мулкый тусдаги хизматлар, бошқа моддий ва номоддий турдаги мулкый ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

контрагент (шартномавий шерик) – Қўмита ва тизим ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан Қўмита ва тизим ташкилотлари манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик, нормалар ва қоидаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф;

ходим – Қўмита ва тизим ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – Қўмита ва тизим ташкилотлари ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

яқин қариндошлар – ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

2-боб. Коррумпцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари

8. Қўмита ва тизим ташкилотлари коррумпцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

қонунийлик – Қўмита ва тизим ташкилотларида коррумпцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррумпцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Қўмита ва тизим ташкилотларида белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик – Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Ходимларнинг ҳар қандай коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиши тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик – Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида ходимлар ва контрагентлар, шу жумладан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш;

превентивлик – Қўмита ва тизим ташкилотлари коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф вужудга келишига сабаб бўладиган шарт-шароит ҳамда омилларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради;

тизимлилик – коррупцияга қарши курашиш Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятининг барча йўналишларида тизимли равишда амалга оширилади;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Қўмита ва тизим ташкилотлари ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш – Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – Қўмита ва тизим ташкилотларининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз ўз раҳбари ва Вазирга мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – Қўмита ва тизим ташкилотлари ўзига юклатилган функцияларни бажаришда ўз фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш – коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга ошириш натижаларига кўра Қўмита ва тизим ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўради.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементлари

9. Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда Қўмита ва тизим ташкилотларининг барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар

қандай хатти-харакатларда иштирок этиши, қонунга хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

10. Қўидагилар Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш тизими асосий элементлари ҳисобланади:

а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги.

Коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини: мазкур Сиёсат;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом;

Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармаларида коррупцияга қарши курашиш йўналишида ишлаб чиқилган ички идоравий ҳужжатлар ва уларда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

б) "Юқоридан қўишга муносабат" – Юқори даражада раҳбарлик намунаси.

Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси раиси, раис ўринбосарлари, тизим ташкилотлари раҳбарлари коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини яратиш ва амалга оширишда қўидагилар орқали етакчиликни намоиш этадилар:

Қўмита раҳбарияти ва тизим ташкилотлари раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиш;

Қўмита раҳбарияти, шунингдек тизим ташкилотлари раҳбарлари бўйсунувидаги ходимлар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ҳамда намунавий хулқ-атворга эга бўлишлари орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф мавжуд вазифалар, соҳалар ва функцияларни бошқаришда самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этишда, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастурини (*йўл харитасини*) ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш;

ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасида, Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий нигилизм, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, амалдаги қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш;

в) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар.

Қўмитада коррупцияга қарши курашиш, коррупциявий хавфни аниқлаш ва баҳолаш Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан тизимли равишда амалга оширилади.

Мазкур жараёнга тизим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда бошқа тааллуқли масъул ходимлар ҳам фаол жалб этилади.

Қўмитанинг Комплайенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими (*кейинги ўринларда - Коррупцияга қарши курашиш бўлими*) ўз вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, бевосита Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига бўйсунди ва ўз фаолиятини ранс томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширади;

Коррупцияга қарши курашиш ишларини самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш йўналишида бўлинма, мутахассис лавозими ташкил қилиниши, ёки рухсат этилган лавозимлар (*кейинги ўринларда - коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлар*)га коррупцияга қарши курашиш функцияси юклатилиши мумкин. Коррупцияга қарши курашиш функциялари тизимда юқори даражада коррупциявий хавф-хатарга эга бўлмаган, шунингдек, етарли даражада мустақил бўлган ходимига юклатилади;

Тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлари ўз ташкилотида коррупцияни бартараф этиш чораларини кўради, шу билан бирга, ўзига юклатилган вазифалар доирасида Қўмита Комплайенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими билан ҳамкорлик қилади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Қўмита ва Тизим ташкилотларининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимлари ва мутахассислари (*кейинги ўринларда - Ходимлар бўлими*) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ва алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун жавобгар бўлади;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Ходимлар бўлиmidан келиб тушган маълумотларни кўриб чиқади ва (*манфаатлар тўқнашуви тартибга солилмаган тақдирда*) уни ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилади ёки аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ёхуд етарли эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек, Қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши масалаларини Ходимлар бўлими кўриб чиқади. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимлари ва Одоб-ахлоқ комиссиялари (ёки шунга ўхшаш комиссиялар) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси марказий аппарати, тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом асосида иш юритади;

г) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш.

Қўмита ходимларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишини ҳисобга олган ҳолда, фаолиятида юзага келиш эҳтимоли ва таъсир килиш даражасидан катъи назар коррупциявий хавфларни бошқариш заруратини тан олади;

Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятининг барча йўналишлари коррупциявий хавфга кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида тизимли таҳлилдан ўтказилади.

Шунга кўра, Қўмита ва тизим ташкилотлари соҳалари ва бажараётган функцияларига хос ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ коррупциявий хавфни аниқлайди ва баҳолайди.

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Комплайенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошчилиги ва назорати остида Қўмита марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар иштирок этади;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда камида бир марта амалга оширилади. Баҳолаш натижалари Вазир ва тегишли раҳбарлар томонидан кўриб чиқилади:

Аниқланган хавфларни бошқариш, минималлаштириш ҳамда унинг асосий омилларини бартараф этиш чоралари Қўмитанинг коррупцияга қарши курашишга қаратилган тегишли чора-тадбирлари, иш режалари ёки дастурларида акс эттирилади.

д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чоралар:

Қўмита ва тизим ташкилотлари ўз фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш, умумий назорат муҳитини яратиш ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларини ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этади.

Қўмита ва тизим ташкилотлари коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, ўз ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, кенг жамоатчилик учун шаффофлигини таъминлашга интиладилар.

Амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича меъёрий ҳужжатларида (чора-тадбир, иш режа, йўл харитаси) да акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади.

е) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш.

Коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёсат

ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги асосий маълумотлар қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади;

Ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан таништириш мақсадида;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинган ходимларни мазкур Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш билан биргаликда уларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларда ўқитилади. Коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар учун тузилмаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқиш (тренинглар) ҳақидаги маълумотлар Қўмита ва тизим ташкилотлари Ходимлар бўлимида қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ва фуқароларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда профилактик тадбирлар ўтказилади;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар бўйича хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари ташкил қилинади;

Комплајенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ёки коррупцияга қарши курашишга масъуллар мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чиққанда Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларига маслаҳатлар беради;

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидалари киритилади;

ходимлар ўртасида коррупцияга қарши курашишда лозим бўлган ҳуқуқ-атворни шакллантириш юзасидан ташвиқотлар ўтказилади;

контрагентларни коррупцияга қарши курашиш қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни киритиш тўғрисида хабардор қилади ва ҳ.к.;

г) мониторинг, назорат ва ҳисобот:

Қўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўлими коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Мониторинг натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар қўради.

Қўмита ва тизим ташкилотларида мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

ички ва ташқи омилларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши курашиш тизимига ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

самарасиз тартиб-таомилларни аниқлаш, тегишли ўзгартиришлар киритиш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

Тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашишга масъуллар бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари Қўмита ҳайъати мажлисларида, Тизим ташкилотлари мажлисларида муҳокама қилиниши мумкин.

з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:

Мазкур Сиёсатга ва Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларига риоя қилиш ҳар бир ходим учун мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Тизим ташкилотлари раҳбарлари ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун масъул ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган талаблар, тартиб ва тамойилларни бузган Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига ва Қўмита коррупцияга қарши курашиш бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришлари шарт.

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари, мазкур Сиёсат ва бошқа ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши

талаб ва тартиб-таомилларни бузган Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда қўмитанинг ички идоравий ҳужжатларида белгиланган нормаларга асосан жавобгарликка тортиладилар.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитлар таҳлил қилиниб, коррупцияга қарши курашиш тизими доимий равишда такомиллаштириб борилади.

Қўмита ва тизим ташкилотлари, шу жумладан Коррупцияга қарши курашиш бўлими ва коррупцияга қарши курашишга масъуллар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текширишда, ваколат доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

11. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) Қўмита ва тизим ташкилотлари манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) Қўмита ва тизим ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва ҳолис бажаришларига, жумладан, ҳолис қарор қабул қилишга ҳамда Қўмита ва тизим ташкилотларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва (ёки) нуфузига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

Қўмита ва тизим ташкилотларининг ҳар бир ходими хизмат вазифаларни бажариш чоғида вужудга келган ёки вужудга келиши эҳтимоли мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига зудлик билан хабар бериши шарт.

12. Қўмита ва тизим ташкилотларининг ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдирлар. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ички идоравий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

2-§. Совгалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари

13. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, қафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш

воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

14. Ходимлар томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижий хизмат сафарларида олинган совгаларнинг тасарруф қилиниши Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олинниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомга (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3425*) ҳамда ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

15. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрам кунларида (*туғилган кун, никоҳ қуриш, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари кун, Халқаро хотин-қизлар кун ва ҳоказо*) берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совгалар - ходимнинг шахси билан боғлиқ совгалар деб тан олинади.

Бундай совгаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

совгалар камида уч нафар ходимлар иштирокида берилиши;

совға бериш жарёни табрик нутки билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совганинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) **4 (тўрт) базавий ҳисоблаш миқдоридан** ошмаслиги;

бир ходимнинг бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (бир) базавий ҳисоблаш миқдордан ошмаслиги керак.

16. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларига шахси билан боғлиқ байрам кунлари (*Сиёсатнинг 14-бандида қайд этилган*) муносабати билан ҳам бошқа давлат идоралари, жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай кўринишда совгалар, бошқа моддий бойлик ва номоддий қимматликларни олиши тақиқланади.

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (*хизматга оид*) йиғилишларда совгалар бериш Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси ёки унинг ўринбосарларининг буйруғи билан амалга оширилади.

18. Совгани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда ходим Қўмита ва тизим ташкилотлари коррупцияга қарши курашишга масъулларга маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3-§. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш

19. Ходимларни танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг

ва холис бўлиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келиши лозим.

20. Қўмита ва тизим ташкилотларида раҳбар ва ходимларни мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, ошкора ҳамда тизим ходимлари томонидан кўриб чиқиш имконияти таъминланган бўлиши шарт.

4-§. Текширишларни ўтказиш ҳамда Тизим ташкилотлари фаолиятини ўрганиш

21. Турли хил текширишларни ўтказиш ҳамда Тизим ташкилотларининг (кейинги ўринларда – “Текшириш объектлари”) фаолиятини ўрганишда Қўмита ходимлари:

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

объектни текшириш ёки ўрганиш бир ходим томонидан амалга оширилмаслиги;

содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текшириш объекти вакилларининг етарли билимга эга эмаслигидан фойдаланиб қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, уларни аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан кўрқитмаслиги;

текширилаётган объектнинг ходимларига таҳдид қилмаслиги;

текшириш предметига кирмайдиган масалалар билан кизиқмаслиги ва ортикча ҳужжатларни сўрамаслиги.

текшириш давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо бериши;

агар текшириш объекти вакиллари ходимларга аниқланган қонунбузарликларни яшириш учун пора ва (ёки) бирон-бир моддий қимматлик ёки хизматларни таклиф қилса, текшириш гуруҳи раҳбарлари Қўмита Коррупцияга қарши курашиш бўлими ёки Тизим ташкилоти Коррупцияга қарши курашишга масъул ходимини дарҳол хабардор қилишлари;

текшириш объекти вакилларига нисбатан ахлоқий хулқ-автор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлишлари шарт.

22. Ўтказилган текшириш натижалари бўйича Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

5-§. Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар

23. Қўмита ва тизим ташкилотлари мазкур Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар.

24. Қўмита ва тизим ташкилотлари контрагентлар билан муносабатларда қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қиладилар. Қўмита ва тизим ташкилотларида танлашнинг холис мезонларидан фойдаланишга асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний, очик ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинadиган маҳсулот (*товар, иш ва хизматлар*) қийматини белгиллашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Қўмита ва тизим ташкилотларининг ички идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинади

25. Қўмита ва тизим ташкилотлари контрагент билан ўзаро ҳамкорликда:

Контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир қилганлиги ёки қилмаганлиги, Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширадилар;

потенциал контрагентни (*танлов, тендер холибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини*) улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни кўпиш орқали, ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

6-§. Хайрия ва хомийлик фаолияти

26. Қўмита ва тизим ташкилотлари қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва хомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда Қўмита ва тизим ташкилотлари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаши шарт, шунингдек бу ҳақда ўзининг расмий веб-сайтлари орқали жамоатчиликка ошкор қилиши мумкин.

27. Қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган хайрия ва хомийлик яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Қўмита ва тизим ташкилотларининг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки хомий, уларга алоқадор шахслар ҳамда хайрия қилувчи ёки хомийнинг шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги керак.

7-§. Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш

28. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг фаолиятини пазорат қилиш учун йўлақлар ва хизмат хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади, уларнинг ёзувлари Қўмита ва тизим ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

29. Қўмита ва тизим ташкилотларининг расмий веб-сайтларига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилиши мумкин (*ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва уларни синовдан ўтказиш, комиссия йиғилишлари ва бошқалар*).

8-§. Ички идоравий хужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси

30. Ички идоравий хужжатларни уларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган коррупциявий омиллар келиб чиқишини олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

9-§. Ходимларга маслаҳат бериш

31. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги қонун ҳужжаглари, мазкур Сиёсат қоидалари ёки Қўмита ва тизим ташкилотларида ишлаб чиқилган бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўйича ўзларининг раҳбарлари, Қўмита Коррупцияга қарши курашиш бўлими масъул ходимлари ҳамда Қўмитанинг ишонч телефонига мурожаат қилишлари мумкин.

5-боб. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш

32. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари ва бошқа шахслар, агар уларда бошқа Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари хатти-харакатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда Қўмитанинг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

33. Қўмита ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар (*қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно*).

34. Қўмита ва тизим ташкилотлари ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, Қўмита ва тизим ташкилотларининг бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини қафолатлайдилар.

35. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

Қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан ўрнатилган ишонч телефон рақамлари;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг телеграм тармоғидаги каналлари;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг электрон почта манзиллари;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари.

36. Қўмита ва тизим ташкилотлари алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Қўмита ва тизим ташкилотлари ички ҳужжатларига мувофиқ масъул бўлинма ёки ходим томонидан ҳолис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

37. Аноним юборилган хабарларда қайд этилган ҳолатлар бўйича қонун ҳужжатларига зид бўлмаган дастлабки ўрганиш амалга оширилади.

Қайд этилган ҳолатлар ўз тасдиғини топган тақдирда, коррупцияга қарши курашиш бўлми ташаббуси билан хизмат текшируви ўтказилади.

38. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан коррупциявий ҳолат ҳақида қасддан ёлғон маълумот тақдим этилиши Қўмита ва тизим ташкилотлари одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши деб баҳоланади ва ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ тегишли интизомий жазо чораси қўлланилади.

39. Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган ходимлар, агар бу маълумотлар тасдиқланадиган бўлса, белгиланган тартибда рағбатлантирилиши мумкин.

6-боб. Жавобгарлик

40. Мазкур Сиёсат талаблари Қўмита ва тизим ташкилотларининг барча даражадаги раҳбар ва ходимлари учун мажбурий характерга эга бўлиб, улар мазкур Сиёсат ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаган, коррупциявий ҳолатларга йўл қўйган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

41. Мазкур Сиёсат қўйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва унга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин:

коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келиб чиққанда;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарганда;

таҳлиллар натижасида самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат тутилганда;

Қўмита ва тизим ташкилотларининг ташкилий тузилмаси ва (ёки) вазифаларнинг бажариш хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.